O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMANI
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ЗАФАРАБАДСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 йил 28 сентябрь 472-сон Зафаробод тумани

**Ижтимоий муҳофазага мухтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2021 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлар тўплами, 2008 йил 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида – 80 кишини ташкил этади,

Шу жумладан:

Ногиронларга-3 фоиз, (4 киши);

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга хамда кўп болали ота-оналар учун 7 фоиз (20 киши);

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари учун 7 фоиз (43 киши);

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатилганлар учун 7 фоиз (9 киши);

пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 3 фоиз (4 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун 3 фоиз (2 киши);

одам савдосидан жабрланган шахслар учун 3 фоиз (1 киши);

2. Туман худидида жойлашган корхона ташкилот ва муассасаларда 2021 йил учун квота иш ўринларини белгиланиши керак булган энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни ўрганиш махсус комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2021 йилда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Корхона, ташкилот ва муассасалар рахбарларига ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2020 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойларини умумий миқдорининг камида 25 (йигирма беш) фоизи учун, 2021

йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 (етмиш беш) фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни хар бир квота тоифаси бўйича иш ўринларини банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва мазкур қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Иш ўринларини банд қилинган корхона ва ташкилотлар томонидан 2021 йил 1 апрелига қадар банд қилинган иш ўринларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш амалга оширилсин.

6. Корхона, ташкилот ва муассасалар рахбарлари ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналадиган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) хамда иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

Ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича мухтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига мувофиқ жарима солиниши белгилансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

9. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этилган тақдирда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ–4227-сон 1 боб, 2 банди. **Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.**

10. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бир хафта муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

11. Ушбу қарор қабул қилиниши билан Зафаробод туман ҳокимининг 30.09.2019 йилдаги №799-сонли “Ижтимоий муҳофазага мухтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2020 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида” қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Қ.Ризаев зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **И.Қаршибоев**

**Туман хокимининг**
**2020 йил 23 09 даги**
**44/20 сонли қарорига**
**1- илова**

Туман худидида жойлашган корхона ташкилот ва муассасаларда 2021 йил учун квота иш ўринларини белгиланиши керак булган энг кам сонини ва уларга кўйиладиган талабларни ўрганиш махсус комиссияси

Таркиби:

| | |
|---|---|
| 1.Қ.Ризаев. | туман хокимининг биринчи ўринбосари комиссия раиси |
| 2.У.Нурматов. | туман АБКМ директори в.в.б. комиссия раиси ўринбосари. |
| 3.А.Исломов. | туман Солиқ инспекцияси рахбари. комиссия аъзоси. |
| 4.У.Очилов. | туман статистика бўлими бошлиғи комиссия аъзоси. |
| 5.У.Норбоев. | туман АБКМ банд бўлмаган ахолини хисобга олиш ва ишга жойлаштириш шуъбаси мутахассиси, комиссия котиби. |

Зафаробод туман хокимининг 2020 йил
"25" 09 даги 472 сонли қарорига
ИЛОВА

Зафаробод тумани ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат бозорида рақобатлашишга қодир бўлмаган ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 2021 йил учун белгиланган иш ўринлари

## РЎЙХАТИ

| т/р | Корхона, ташкилот ва муассасалар | Сектор рақами | 70 дан ортиқ ишловчилар бор корхоналар сони | 01.07.2019 йил ҳолатига ишловчилар сони | Яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари | Белгиланган квота | | 20 дан ортиқ ишловчилар бор корхоналар сони | 01.07.2019 йил ҳолатига | Жами яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари | Шу жумладан, | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 10% | 3% | | | | Ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун | Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Ногиронлар учун | Пенсиядан ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки судининг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар | одам савдосидан жабрланган шахслар учун | Атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий ахамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун |
| 1 | Zafarobod tumani tibbiyot birlashmasi | 1 | 1 | 602 | 16 | 15 | 1 | | | 16 | 3 | 7 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 2 | Zafarobod tumani 2-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 2 | 1 | 86 | 3 | 2 | 1 | | | 3 | 1 | 1 | | 1 | | | | |
| 3 | Zafarobod tumani 1-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 1 | 1 | 75 | 4 | 3 | 1 | | | 4 | 1 | 2 | | 1 | | | | |
| 4 | Zafarobod tumani hokimligi "OBODONLAShTIRISh BOShQARMASI" | 1 | 1 | 72 | 2 | 1 | 1 | | | 2 | | | | | | 1 | | 1 |
| 5 | Zafarobod tumani 10-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 1 | 1 | 72 | 2 | 1 | 1 | | | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 6 | Zafarobod tumani 13-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 2 | 1 | 72 | 3 | 2 | 1 | | | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | | |
| 7 | Zafarobod tumani 3-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 2 | 1 | 71 | 4 | 3 | 1 | | | 4 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | |
| 8 | Zafarobod tumani 4-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 3 | | 69 | | | 1 | 1 | 69 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 9 | Zafarobod tumani 9-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 4 | | 60 | | | 3 | 1 | 60 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | | |
| 10 | Zafarobod tumani 16-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 2 | | 59 | | | 2 | 1 | 59 | 2 | | 1 | | | 1 | | | |
| 11 | Zafarobod tumani 12-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 1 | | 59 | | | 3 | 1 | 59 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | | |
| 12 | Zafarobod tumani 8-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 3 | | 57 | | | 3 | 1 | 57 | 3 | 1 | 1 | 1 | | | | | |
| 13 | Zafarobod tumani 14-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 1 | | 53 | | | 2 | 1 | 53 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 14 | Zafarobod tumani 20-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 4 | | 51 | | | 1 | 1 | 51 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 15 | Zafarobod tuman Balalar va o'smirlar sport maktabi | 1 | | 50 | | | 2 | 1 | 50 | 2 | | 1 | 1 | | | | | |
| 16 | Zafarobod tumani "M.ASHRAFIY" nomli 9-son bolalar musiqa va san'at maktabi | 1 | | 49 | | | 2 | 1 | 49 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 17 | Zafarobod tumani 11-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 4 | | 48 | | | 2 | 1 | 48 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 18 | Zafarobod tumani 18-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 1 | | 45 | | | 1 | 1 | 45 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 19 | Zafarobod tumani 1-sonli "MUNIS" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 1 | | 45 | | | 3 | 1 | 45 | 3 | 1 | 2 | | | | | | |
| 20 | Zafarobod tumani Xalq ta'limi bo'limi | 1 | | 44 | | | 2 | 1 | 44 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 21 | Zafarobod tumani 5-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 3 | | 44 | | | 2 | 1 | 44 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 22 | Zafarobod tumani 7-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 4 | | 43 | | | 1 | 1 | 43 | 1 | | 1 | | | | | | |

| т/р | Корхона, ташкилот ва муассасалар | Сектор рақами | 70 дан ортиқ ишловчилар бор корхоналар сони | 01.07.2019 йил холатига ишловчилар сони | Яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари | Белгиланган квота | | 20 дан ортиқ ишловчилар бор корхоналар сони | 01.07.2019 йил холатига | Жами яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари | Шу жумладан, | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 10% | 3% | | | | Ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун | Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Ногиронлар учун | Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар | одам савдосидан жабрланган шахслар учун | Атрофдагилар учун хавф тугдирмайдиган ижтимоий ахамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун |
| 23 | Zafarobod tumani "BARKAMOL AVLOD" bolalar markazi | 1 | | 43 | | | 1 | 1 | 43 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 24 | Zafarobod tuman Davlat sanitariya-epidemiologiya nazorat markazi | 1 | | 39 | | | 2 | 1 | 39 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 25 | Zafarobod tumani 6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 3 | | 39 | | | 1 | 1 | 39 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 26 | Zafarobod tumani 2-sonli "FERUZ" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 1 | | 38 | | | 2 | 1 | 38 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 27 | Zafarobod tumani 3-sonli "G'UNCHA" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 2 | | 34 | | | 2 | 1 | 34 | 2 | | 1 | 1 | | | | | |
| 28 | Zafarobod tumani 4-sonli "GO'ZAL" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 2 | | 32 | | | 2 | 1 | 32 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 29 | Zafarobod tumani 8-sonli "GULLOLA" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 4 | | 31 | | | 2 | 1 | 31 | 2 | | 1 | 1 | | | | | |
| 30 | Zafarobod tumani 19-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi | 4 | | 30 | | | 2 | 1 | 30 | 2 | | 1 | | | 1 | | | |
| 31 | Zafarobod tumani 5-sonli "NIHOL" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 1 | | 29 | | | 2 | 1 | 29 | 2 | 1 | 1 | | | | | | |
| 32 | Zafarobod tumani 12-sonli "BOLDIRG'ON" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 3 | | 24 | | | 1 | 1 | 24 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 33 | Zafarobod tumani 9-sonli "NAVRO'Z" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 4 | | 22 | | | 1 | 1 | 22 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 34 | Zafarobod tumani 11-sonli "UMID" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 4 | | 22 | | | 1 | 1 | 22 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 35 | Zafarobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi | 1 | | 22 | | | 1 | 1 | 22 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 36 | Zafarobod tumani 7-sonli "XULKAR" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi | 3 | | 21 | | | 1 | 1 | 21 | 1 | | 1 | | | | | | |
| | **Туман бўйича** | | 7 | 2252 | 34 | 27 | 58 | 29 | 1202 | 85 | 21 | 43 | 8 | 4 | 4 | 2 | 1 | 2 |

**Тоифаларнинг тўлиқ номлари**

| | |
|---|---|
| **1-тоифа** | **Ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун** |
| **2-тоифа** | **Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун** |
| **3-тоифа** | **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони** |
| **4-тоифа** | **Ногиронлар учун** |
| **5-тоифа** | **Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони** |
| **6-тоифа** | **Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган** |
| **7-тоифа** | **одам савдосидан жабрланган шахслар** |